



ТАРИХИЙ МАКТУБЛАР ВА УЛАРДА ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ МАСАЛАСИ

Ахмедова Дилафруз

ЎзФА Тарих институти,

Таянч доктаранти,

Тел: +998933880186,

e-mail: dili1111@mail.ru.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7467479>

ARTICLE INFO

Received: 10th December 2022

Accepted: 20th December 2022

Online: 21th December 2022

KEY WORDS

Эпистолография, протокол, эсхотокол, интутулиция, инвокация, адресат, инскрипция, санкция, promulgation, salute, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Россия империяси, Така, Соруқ, Солур.

ABSTRACT

Мақолда манбашуносликнинг муҳим бўғинларидан - дипломатика соҳаси ва унинг таркибига қирувчи эпистолография (хат ва мактубларни ўрганиш) йўналишига эътибор қаратилади. Ўрта асрларнинг ўзига хос мактуб ёзиш анъанаси ва унинг шакллари (формулярлари) кўрсатиб берилди. Шунингдек, ушбу изланишларда ЎзМА фондларидаги ҳужжатлар тадқиқотга тортилган. Унда Россия империясининг Ўрта Осиёга босқинчилик ҳаракатлари, уларга қарши мамлакатда озодлик интилишлари, Абдумалик Тўра фаолияти ва хонликлар ўртасидаги муносабатларда ёзишмаларнинг аҳамияти очиб берилди.

Эпистолография (юнонча – хат, нома шаклида яратилган асарлар ва ҳужжатлар)¹манба сифатида муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб эпистоляр манбаларнинг йирик мажмуалари давлат ва шахсий кутубхоналар ҳамда архив фондларида сақланади. Тарихий даврлар мактубларини ўрганишга доир турли тадқиқотлар олиб борилган, уларнинг асосийлари дипломатия назарияси ва дипломатика йўналишлари бўйича амалга оширилган². Бироқ, хонликлар даври

сообщение)// Народы Азии и Африки. 1967. –С. 74-82; Казаков. Б.А Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С 87; Султонов Ў. Муборакнома Бухоро амирлиги девони ички ёзишмалар ҳужжати сифатида // Ўзбек давлатчилиги тизимида даргоҳ ва девонлар. – Тошкент: Академнашр, 2019 – Б. 137-146. Султонов Ў. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси” ўқув қўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. - 188 б. Sultonova G. Insha' collections in Uzbekistan: a comparative analysis (in the context of the international relations of the Bukhara Khanate) // Proceedings of the XIIth Conference of the European Society for Central Asian Studies. Central Asian: A Maturing Field / Editors: A Morrison and S.Saxena. – Cambridge, UK, September 2011. – P.205-217; Sultonova G and Scott C. Levi Indo-Bukharan Diplomatic Relations, 1572-1598: The Role of the Actors // Insights and Commentaries: South and Central Asia. Edited by Anita Sengupta, Mirzokhid Rakhimov. – Kalpana Shukla KW Publishers Pvt Ltd. New Dehli, 2015. – P 45-56; Ўзбек дипломатияси тарихидан. (тарихий очерк ва лавҳалар) / М.М. Хайруллаев таҳрири остида. - Т., 2003. - 374 б; Кличев О.А. Россия императори сиёсий агентлиги ва Бухоро амирлиги ўртасидаги ёзишмалар Россия-Бухоро

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 10 – жилд, Шарқ – Қизилқум, Таҳрир хайъати А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М. Аминов ва б. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005.– Б 236.

² Чехович О.Д. Задачи среднеазиатской дипломатии. – Народы Азии и Африки, 1969, № 6, 75-82; Бухарский вакф XIII века. (предварительное



муншаоти йўналишида тадқиқот деярлик кам, ёхуд мавжудлари ҳам махсус тадқиқот доирасига тортилмаган. Ўзбекистон Миллий архиви фондида сақланувчи И-125 жамғарма остидаги “Хива хонлиги девонхонаси” ҳужжатлари орасида бир неча юзлаб мактублар мавжуд. Бу мактубларнинг аксарияти хонликлар ўртасида битилган. Шу жиҳатдан, даврнинг ахборот манбаи вазифасини ўтаган мактубларни илмий тадқиқот доирасига тортиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб, бир қанча вазифаларлар белгилаб олинди. Аввало, Хива ва Бухоро хонликларининг ўзаро муносабатларни акс эттирувчи мактубларнинг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш учун бир даврга оид мактублар саралаб олиниб, уларни кодикологик жиҳатидан таҳлил этиш лозим. Мазкур мактубларда XIX асрда Ўрта Осиё хонликларининг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти, Россия империясининг босқинчилик ҳаракатлари ва маҳаллий аҳолининг озодлик учун курашлари акс этган воқеалар таҳлил этилади.

Расмий ҳужжат сифатида мактубларни ўрганиш назариясига ва расмий ҳужжатларни ўрганишнинг методикасига³ таяниб, “Хива хонлиги

девонхонаси” мактублари туркумланиб олинди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасида ёзилган мактублар орасида Абдумалик Тўра⁴ фаолиятига тегишлилари 226, 228 ва 229-йиғмажилдларда тадқиқотга тортилди⁵. Бухоро амири Музаффарнинг душманга қарши кураши, енгилиб сулҳ

В.Г. Литвак. – М.: Наука, 1983. Глава V. Решенные вопросы дипломатики. – С. 101–118. https://www.rsuh.ru/iai/faculty/fad/structures/high-school-source-study-auxiliary-and-special-historical-disciplines/diplomatics.php?clear_cache=Y; И. В. Кобак. Письма как исторический источник: задачи и приемы изучения. // Вестник СПбГУ. Сер. 2. 2012. Вып. 2. <https://cyberleninka.ru/article/n/pisma-kak-istoricheskij-istochnik-zadachi-i-priemy-izucheniya/viewer>

⁴Абдумалик Тўра-Бухоро амири Музаффарнинг (1823-1885) тўнғич ўғли, 1848 йилда Бухорода таваллуд топган. Онаси эроний аслзодалардан Хоса Зумрад исми айл бўлган. Тахт валиаҳди бўлиб ёшлик чоғида бобоси Насруллохонинг Шаҳрисабз, Қўқон, Хива хонликларга уюштирилган қўшлаб юришларида иштирок этган. Руслар томонидан Бухоро амирлиги ҳудудлари босиб олингандан сўнг, Рус империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги сулҳ тузилган. Шунда Абдумалик Тўра отаси ва Рус империясига қарши кураш олиб борган. Озодлик ҳаракатларини фаол тарзда олиб борган Тўранинг уруншлари бефойда бўлган ва Хива хонлиги, Қошғар ва кейинчалик Англия тасарруфидаги Пешовар ҳудудларига кетган. 1909 йилда Пешоварда вафот этган. / Одилов А.А. Бухоро амирлигида миллий озодлик ҳаракатлари (Абдумалик Тўра бошчилигидаги халқ ҳаракати мисолида): Тарих фан.номзоди ... дисс. автореф. – Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2003. – Б. 92.

⁵ Ўзбекистон Миллий архиви (ЎЗМА) И-125. “Архив хивинского ханства”, 2 рўйхат, 226 йиғмажилд. “Письма Нур-Бердихана к хивинскому хану Муҳаммад Рахим Баҳадур-хана о посылке 4000 всадников в помощь племени эрсары, который хотят воевать с неверующими под руководством Катта-Тура (старший сын бухарского эмира)”. 1866 й. 1-3 бетлар; 228 йиғмажилд. “Письма глав туркменский племен, проживающих на территории Бухары, о восстании старшего сына бухарского эмира Катта-Тура и о солидарности этих племен с восставшими”. 1868 й. 1-5 бетлар; 229 йиғмажилд “Письмо старшего сына бухарского эмира Сеид Абдумалик (Катта Тура) к хивинскому хану о причинах его восстания против своего отца эмира Музаффара и его просьба о помощи” 1868-1869 йй. 1 л.

муносабатлари тарихини ўрганиш манбаси. Тарих фан.номзоди ... дисс. автореф. – Т.: Бухоро Давлат университети, 2017. – 155 б. Gülseren Azar Nasırabadi, “Hârezmşâhar Dönemi Münşeat Mecmualarından et-Tevessül İle't-Teressül ve Devletin Siyasi Münasebetleri Açısından Önemi”, History Studies, 13/1, Şubat 2021, s. 33 – 49.

³ Пронштейн А.П., Кияшко В.Я. Вспомогательные исторические дисциплины: Учеб. пособие. М., 1979 112 с.; Каштанов С.М. Русская дипломатика / С.М. Каштанов. М.: Высшая школа, 1988. – 231 с.; Фарсобин В.В. Источниковедение и его метод: Опыт анализа понятий и терминологии / В.В. Фарсобин; отв. ред.



шартномасини имзолаши ҳақида маълумотлар шу даврни ёртувчи тарихий асарларда гоҳ шарафли, гоҳ айблов билан эсланиб ўтилади⁶. Бевосита давр воқеалари билан боғлиқ Рус қўшинларининг Бухоро амирлиги ҳудудларига етиб келиши тафсилотлари мактубларда ўрин олган. Амирлик қўшини енгилб, рус босқинчилигига қарши озодлик ҳаракатлари амир Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдумалик тўра томонидан олиб борилганлиги мактуб мазмунида ёритилган. Дарақиқат, Абдумалик Тўранинг мустамлакачиларга қарши ҳаракатлари бугунга қадар бир қанча олимлар томонидан ўрганилган⁷.

⁶ Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа («История мангитских государей») / Изд. текста, предис., пер. и прим. Л.М. Епифановой. – Москва: Изд-во вост. лит., 1962. – 179 с; Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб ёзувидан таъдил: Ш.Воҳидов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б; Мирза Олим Мушриф. Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин / Нашрга тайёрловчи А.Матғозиев, М.Усмонова, сўзбоши муаллифи А.Матғозиев. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1995. – 128 б; Садрриддин Айний. Бухоро инқилобининг тарихи. /нашрга тайёрловчилар: Шимада Шизуо, Шарифа Тошова. – Токуо: The University of Tokyo, 2010. – 299; Солиев Б. Мангитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1925. – 18 б.

⁷ Эсонова Ш. Бухоро валиаҳди // Гулистон. – 1996. № 1. – Б. 58-60; История народов Узбекистана. Т. II. – Б. 238; Содиков Х. Россия хизматидаги беклар // Фан ва турмуш. – 1988. № 2. Б. 22-24. Бартольд В.В. История культурной жизни Узбекистана. – Сочинения, т. II, часть I, М.: Наука (гл. ред. ВЛ.) – Б 299. Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России. – Москва: Наука, 1965. – Б.291. фон Кюгельген Анке. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: Дайк Пресс, 2004. – 516 б. Одилов А.А. Бухоро амирлигида миллий озодлик ҳаракатлари (Абдумалик Тўра бошчилигидаги халқ ҳаракати мисолида): Тарих фан.номзоди ... дисс. автореф. – Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2003. – 196 б; Мухаммаджонов А.Р., Незматов Т.

Тарихий манбалар⁸ ва архив ҳужжатлари⁹га қўшимча тарзда мактубдан олинган маълумотлар манба сифатида тарихий давр воқеаларига ойдинлик киритади. Мактублар тарихда нечоғлиқ муҳим рол ўйнаганлигини Абдумалик Тўра томонидан Самарқанд шаҳрида Рус қўшинларини енганидан сўнг, отаси амир Музаффар томонидан йўлланган биргина ёлғон хат ўғлининг кейинги фаолиятига таъсир қилганлигини манбаларда келтириб ўтилган¹⁰. 1868 йил июн ойида Рус қўшинларининг асосий қисми Зирабулоққа ташланганлигидан фойдаланган

Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Т., 1957; Тўхтаматов Т.Г Русско– бухарские отношения в конце XIX – нач. XX в. – Душанбе, 1966; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т.: Шарқ, 2001; Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд арчалланган Туркистон тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1998; Зиёева Д. Х. Народные движения в Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. в дореволюционной и советской литературе (историография проблемы) : Автореф дис ... д-ра ист. наук. – Т., 1994;

⁸ Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. Ўз ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2091. – В. 229^а-281^б; Аваз Мухаммад Аттор. Тарихи жпхоннамой Ўз ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9455/1, В. 2-324; Садр Зиё. Ўз ФА ШИ қўлёзмаси, № 1304. – В. 48^а; Мирзо Салимбек ибн Мухаммад Раҳим. Тарихи Салимий. Ўз ФА ШИ қўлёзмаси № 602; Аҳмад Дониш. История мангитской династии / Перевод, предисловие и примечания. И.А.Наджафаров. Душанбе, 1967; Огаҳий Мухаммадризо. Шоҳиди иқбол. – В. 175^а-179^а; Терентьев М.А Россия и Англия в Средней Азии. СПб., 1875; Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом Т.І. 1911; Симонов А.В. Завоевание Самарканда царизмом; История народов Узбекистана, Т II П Б. 231-240; Исқандаров Б. И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. В двух частях. – Душанбе: АН Таджикской ССР, 1962-1963. – 355, 351 б;

⁹ Ўзбекистон Миллий архиви (кейин - ЎзМА). И-125-жамғарма, 2-рўйхат, “Хива хонлиги девонхонаси”; ЎзМА И-126 фонд, “Бухоро кушбеги архиви”.

¹⁰ Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2091. – В. 237^а.



Абдумалик ўз кўшини билан Самарқандни эгаллашга киришган. Озодлик ҳаракатларида самарқандликлар ҳам кўзғолон кўтариб Абдумалик фаолиятига кўмаклашган. Зирабулоқда амир кўшинлари енгилган вақтда Самарқандда, Абдумалик Тўранинг ғалабасини эшитган амир Музаффар тожу тахтдан айрилиб қолмаслик йўлларини ўйларди. Ўша вақтда, Абдумалик кўшинида қаршилиқ Мўминбек исми айёр киши бўлиб, уни ҳамма “Мўмин Поки” деб аташган. Амир Музаффар унга хабар жўнатиб қандай бўлмасин Тўранинг кўшинини тарқатиб юборишга кўрсатма бериб хат юборган. Шунда, у “Ўрис билан амир аҳднома тузиб ярашди, энди улар биргалиқда Шаҳрисабзга кўшин юбораётир” деб овоза қилган¹¹. Оиласи ва яқинларининг омонлигини ўйлаган шаҳрисабзлик беклар ортларига қайтишга мажбур бўлганлар. Бу масалада Кауфман¹² ҳам ёлғон хабарлар тарқатиб, Тўранинг кўшини таркибида парокандалиқни юзага келтирган. У “Бухоро подшоси мен билан сулҳ тузиб, Усмон Муслимни беҳисоб сарбозлару саноксиз ўзбек лашкари билан Шаҳрисабз ва Китоб устига юборди” деган ёлғон хабар тарқатган. Бунга ишонган кенасга ҳокимлари ўз юртларини ҳимоя қилиш мақсадида Самарқанддан қайтиб

кетади”¹³. Бунинг оқибатида, уюшган кўшин тарқалиб кетган ва Абдумалик Тўра ҳам ортга чекинишга мажбур бўлганди. Шунга кўра, ўша вақтда ёзилган ҳар бир хабар муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мақолада мазкур мактубларни ички таҳлилини келтириб, шу асосида тарихий воқеяликни акс эттиришга ҳаракат қиламиз.

Мактублар ўрта асрлар даври мактуб ёзиш анъанасига хос тарзда *протокол*, *асосий* қисм ва *эсхотокол* қисмлардан ташкил топган¹⁴. Мактуб моҳиятини англаб олиш учун энг майда бўлақлар ҳам катта эътибор талаб этади. *Протокол* деб номланадиган қисмининг ўзи шартли равишда тўрт бўлаққа бўлиган. Мактубнинг биринчи бўлақ “инвокация” (*invakatio*) қисмида Худонинг сифатлари билан бошланиб, Яратганга ҳамду санолар келтирилган¹⁵. Шунингдек, ушбу қисмда мактуб йўлловчи томонидан хатни олувчи (адресат)га Аллоҳ томонидан узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва давлат бошқарувининг барокати тиланган. Хатларнинг “интитулиция” (*intitulation*) деб номланувчи қисмида ҳужжатнинг ким томонидан юборилганлиги аниқланади. Масалан, “*Бе жанобе хон Хазар ва Така арзи ихлос дошт...*”, “*Бе жанобе хон хазрати мо ва амире мо арзи дошт ғуламони жонсипор... Калон ва Хазар, жамоайи Эрсари..*” каби маълумотлар шулар жумласидандир.

¹¹ Аваз Муҳаммад Атгор Хўқандий. Тарихи жаҳоннамои (Оламни кўрсатувчи тарих). Форс-тожик тилидан таржимон, кириш, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифари Шодмон Воҳидов. – Тошкент, 2012. – Б. 407-410.

¹² К.П. Кауфман (19.2 (2,3) 1818-4(16) 5.1882. Тошкент). рус ҳарбий муҳандис-генерали, генерал-адъютант (1864). 1867 йилдан Туркистон ҳарбий хавзасининг кўмондани ва генерал-губернатори. Кўкон (1874-76), Бухоро (1868) ва Хива(1873)га қарши уюштирган босқинчилик юришларга раҳбарлик қилган.

¹³ Мирзо Сомий. Тухфайи шоҳий ... – В. 237а.

¹⁴ Казаков. Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С 56.

¹⁵Инвокация-тарихий ҳужжатларда Худонинг сифатлари билан бошланадиган, араб тилидаги қисми. / Ў.А. Султонов. “Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси”. ўқув кўлланма. – Тошкент, Наврўз, 2019. Б 42.



Мактублар орасида Бухоро амирлиги худудида яшовчи туркман қабилалар томонидан Хива хонлигига юборилган хужжат мавжуд. Унда турли даражадаги амалдорлар ёки қабилла бошлиқлари томонидан “арздошт”лар ўрин олган. Бу турдаги хужжатлар одатда “инвокация”дан сўнг “арз бандаги”, “арзи ихлос” сўзлари билан бошланиб, уч ёки беш мартагача такрорланадиган “ат тақсир”, “қитмир” каби сўзлар ёрдамида яқунлаган¹⁶.

“Инскрипция” (inscription) қисми хатнинг кимга юборилганлигини аниқлаштириб беради. Мактубда “*Жаноби аморатпаноҳ рафиъ ул мартабат дивонбеги оғомиз...*”, “*жаноб саодатнишон ҳазрат Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ҳуллад Аллоҳ таоло мулкаҳа ва салтанаҳу ва афоз али алоламин ваҳсана салма Аллоҳ таоло филдарайн Абу-л-Музаффар ва-л-Мансур Абулғози...*”¹⁷ каби маълумотлар шахс (адресат)лари ҳақида хабар беради. Мактуб юборилаётган кишига муқаддас китоб “Қуръони Карим”дан олинган сура ва оятлардан парчалар келтирилиб, эзгу ниятлар изҳор қилинган. Мусулмон оламига хос бўлган бундай ёндашув ўрта аср мактуботи анъаналарининг амалдаги ифодаси эди¹⁸.

Хужжатнинг *салом йўллаш* (“salute”) қисмида салом йўллаш билан бирга, мактубни қабул қилувчи шахсга яхши

ният ва Аллоҳ томонидан сиҳат-саломатлик тиланган. (Аммо, ҳар қандай хужжатларда ҳам саломлашув қисми бўлмаслиги ёки қисмлар ўртасида жойлар алмашинувлари кузатилиши мумкин. Лекин бу ўзгаришлар хужжатнинг нуқсонли эканлигини англамайди¹⁹). Фиркимизни далиллаш учун Хива хонига ёзилган хатларнинг саломлашув қисмидан маълумотни келтирамиз: “*...муҳаббат бўстониинг гули ва маводат гулистонининг насими, иззат ва ҳурмат дастгоҳидур. Раиятогоҳ, воложоҳ, аҳватшиор хон ҳазратимизга улким Изди таборак ва таоло зоти шарифларининг самодик офатидин маҳму, маҳфуз ва мазмунида сақлағай*”²⁰. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II га юборилган яна бир мактубда: “*ҳукумат даражали ва баланд мартабали фаррухнисоро ва хишмат ва шавкат ва дастгоҳ, фақир ва заъифаларға ва бева бечораларға мушфиқ ва марҳаматли, пойи сарирда ултуруб ва раъйлар уза ҳукм суриб, Аълладан (Аллоҳ) аларға ҳимоят бериб тўққиз ёшдин шайх фоний бўлғон, тўқсон ёшгача шарият аъзойиға ривож бериб жиҳод ва ғарот айниға қадам қўйиб ихжином шариятнинг қўлин кесиб, балки бошин узиб, зулмдор зулмининг қатлига сабаб бўлиб, кофир бад зодаға анинг ваҳмидин ғулғулалар пайдо бўлиб қарибдур.*”²¹ деган сўзлар келтирилган. Мактубда Муҳаммад Раҳимхон II нинг сифатлари чиройли тарзда ифода этилганлиги мунший ёки

¹⁶ Ў.А. Султонов. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси... Б 90.

¹⁷ ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 226-йиғмажилд, 1 варақ.

¹⁸ В.Г. Стоянов. Дипломатиката като научна дисциплина: “Ориенталиската” дипломатика. Дипломатика на средновековните извори. Владетелски документи. София: Издателство на БАН, 1991. – С. 261-268.

¹⁹ Ў.А. Султонов. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси... Б 49.

²⁰ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 228-йиғмажилд, 5 варақ.

²¹ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 226-йиғмажилд, 1 варақ.



хат ёзувчи мирзонинг бадий маҳоратини кўрсатиб беради.

Ўрганилаётган мактубларимизда **Асосий матн** қисми жуда муҳим саналади. Назарий жиҳатдан муқаддима (arenga-preamble) деб номланувчи қисмида мактубдан кўзланган мақсад асосий ўринга чиқади. Бу қисми Абдумалик Тўранинг Шаҳрисабзда ҳам руслар ҳам амирлик қўшинларидан енгилиб, Нурота орқали Хоразмга кетган вақтида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II ёзган мактубида кўриб чиқамиз. *“Мовароуннаҳр мамлакатаиға ва Бухоройи шариф қаламравина воқе бўлғон ҳаводисотиким, кафарайи фажара (бузуқи кофирлар) – уларга лаънат бўлсин! – итилоцидин бўлди, тафсили мужмал баён қилинур. Куффори ашрор (бадқирдор кофирлар) Самарқанд вилоятин мусаххир этгандин сўнгра отамизни ўз маслаҳатлари бирла Шаҳрисабз халқи ва кенасия бекларининг душманлиғ ва адоватлари салотини Бухороға зоҳир ва маълум эрди. Анинг каби душманни яхши сўз ва дилрабо такаллум ила муттафиқ айлаб, Самарқанд улусиға ғазот амрина тарғиб этиб, урусни қамаб, чамамизға келтурган чоғда ғаммози ғамзпеша (туҳматчи чақимчилар), шайтанатандишаларни алмоси ила узуб, жони азизимиз ҳалоки учун саъй ва кўшиш кўргузуб ва аҳли ислом иттифоқларин унф ва итоб (қўполлик ва таъна) илан бузуб ва уламодин... куффори ашрорға беузр ва беважҳи шаръий итоат ва инқиёд айлаб, бунинг каби умури қабоҳат (қабих ишлар) бениҳоят содир бўлди”²². Абдумалик Тўранинг Хоразм ҳудудига келганлиги*

²² ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 229-йиғмажилд, 1 варақ.

ва ҳарбий ёрдам сўраб яна озодлик ҳаракати учун интилаётганлигини эшитган амирликнинг жанубий ҳудудларида яшовчи туркман қабилалари Хива хонига ёзган мактубларининг асосий матн қисмларини келтириб ўтамиз. Унда *“Мовароуннаҳр мусулмонлари кофир бад зода лашкар жолининг зулм ва ситамин кўриб кенгаш ва маслаҳат қилиб, эмди бизнинг пуштипаноҳимиз жаноб саодатнишон хоқон ибн алхоқон ҳазрат (Муҳаммад Раҳимхон) дур деб иттифоқ қилдилар ва яна Марв ултурмали, Тажан ултурмали ва Аҳал ултурмали Така ва Сорук халқлари убудият ва бандачилик танобдин бўйунлариға солиб итоат подшоҳни лозим бил вожиб билиб бул халқларнинг аввалидан матидо ва пишвоси фақир ва заифларниг пуштипаноҳи деб иттифоқ қилдилар”²³* деган сўзлар келтирилган.

Худди шу тартиб қоидани яна бир мактубда кузатамиз: *“...ҳаммамизнинг иттифоқлигимиз шулким, подшоҳимиздан адолат кўтарилди. Неча ҳақ ишларни ноҳақга илантурди ва яна аҳли мусулмонни кофирга пой мол бўлғонин раъво кўриб кофир малфунға ихтиёр берди. Бул сабабдин ўғли (Абдумалик Тўра) отаси (Амир Музаффар) билан ёғи бўлди. Аҳли мусулмонинг динин ва йўлин тутиб биз халқ ҳам Тўрага қувват беришуб, кулли Эрсари бўлиб, Бухор подшосиға бадкардойи бениҳояслиғ қилишуб бир бир дакки еди. ... аҳли мусулмонмиз ҳамма улуг ва кичик жамоа бўлиб аҳд паймон қилиб сизга байъат қилиб хирож ва закотимизни сизга берсак ва хизматни бажонидил сизга қилсак деб умид*

²³ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 226-йиғмажилд, 1 варақ.



қилурмиз”²⁴. Ёзишмаларда Абдумалик Тўрага ёрдам берган халқлар Бухоро амири жабр зулумига учраб, қийин аҳволга тушиб қолганликлари келтирилган. Шунингдек, Бухоро хонлигида яшовчи Така, Сорук, Эрсари халқларининг Рус босқини вақтида Хивадан нажот кутиб ўзларини Хива хонлиги таркибига кириш учун рухсат сўраганлигини ҳақида сўз боради. Албатта, бундай мурожаатномаларга эътибор берилиб, ўз ўрнида бирлашиб қарор қилганларида эҳтимол босқинчилик юришлари тўхтатилиб қолинар ёки ҳеч бўлмаганда кечиктирилиши мумкин эди.

Мактубнинг “promulgation” публикация деб номланувчи қисмида мактубдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларга эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Унда: *“Шоҳо жаҳонпарвао бир неча вақтдин бари бандалик таноби бўйнуниз айрилиб ва адаблик ризоши бирлан мағрур бўлиб бир неча бадкорлар сўзига кириб бу балоларға мусулмонлар гирифторм улуб тавба истиғфор қилиб ва бошдин ўтган ишларин мулоҳаза этиб эркан. Давлатимиз ва давлатхоҳларимиз ила мазмун каримайи олий машовар ҳам фароламарда амал илаб машварат солдиқ. ...Аввал бандамизни саранжом этиб Тўражоннинг ҳам хизматлариға борғонин эшитиб, ҳазрат хон ҳам жиҳод асбобин тузибдур деб эшитиб бу халқлар ҳам хизматлариға боражак бўлдилар”*²⁵ дейилган. Мазкур қисмда Русларнинг босқини, давлатдаги парокандалик, Абдумалик Тўра бошчилигида озодлик

ҳаракати атрофида тўпланиши борасида сўз юритилган.

Манбашунослик нуқтайи назаридан мактуб моҳиятини очиб беручи баён этувчи (narration) қисмида юқорида келтирилган мавзу давом эттирилган. Самарқандда енгилган Тўра Ғузорга чекинган ва у ерда ҳам отасининг таъқиб ва тайзиқларга учраганидан сўнг, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II дан мадад сўраганлиги хусусида тарихчиларнинг асарларида келтириб ўтилган²⁶. Хатларимизнинг кейинги ўринларида Абдумалик Тўранинг Хива хонига отаси ва русларнинг ҳаракатлари ҳақида шундай фикрлар билдириб ўтган. *“Аллоҳ таоло ризоси учун жонимизни бу йўлда кўриб, ажз ва шикасталиғ ила силсилаи ғазота қўл уруб, арзу додимизни... жаноблариға қилуб, тараддуи ғазоти олидаражот этуб туруб эрдук. Кундин-кунға адоватлари ошиб ва ҳасадлари тошиб, ҳатталимкон (иложи борича) Раҳмат бий ва Амонуллоҳ Хожжа ўроқ ва Сулаймон қаровулбеги маҳрам деган давлатхоҳларин ўрусға буюруб, беҳадду беинтиҳо илтижо ва илтимос айдув, ўзлари Бухородин бу хато андишаға отланиб, Қаршини куффори урусға олдуруб, ўзлари куффори нобакорға бир надим ва чокар каби бўлуб, бизни танг ерга қамаб туруб, Усмонбек бий деган муқарраб одамларин кўб дунё билан ўрусға йибориб, ўрусдин хат олдуруб, бизни давлатхоҳларимиз бирла қўлға киргузмакға саъй ва тараддуд*

²⁴ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 228-йиғмажилд, 5 варак.

²⁵ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 226 йиғмажилд, 1 варак.

²⁶ Муҳаммад Риза Эрниеъбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. Тошкент: Муҳаррир, 2009. Б 208-220; Мирза Абдулазим Сами. История мангытских государей, правивших в столице, благородной Бухаре. Восшествие на престол эмира Хайдара-Сейида. Москва, 1962, С 103-106.



қилдилар²⁷. Тўранинг Хоразмда эканлигидан хабардор бўлган Марв, Чоржуйда яшовчи туркман қабилалари Хива хонлигига бир неча бор хатлар юборишган. Мактуб мазмунини тасдиқловчи бу хатлар “Шоҳиду л-икқбол” манбасида ҳам келтириб ўтилган²⁸. Архивда сақланувчи мактубларнинг бирида “Чоржуй устига келиб биз халқга бош паноҳлик қилсаниз субҳ-шом ётсоқ бошимиз сиз сари қўйиб, кузимиз йўлда интизормиз. Тўрамизга ҳам қувват берсангиз деб хабар қилурмиз. Аммо сизни дин улуси билдик, худони бир билдик, халқга ҳар важдин бошпаноҳлик қилсалар диб умидвормиз. Бир лак уйли эрсари ҳамма бир жон, бир тан, бир қўлмиз” деб келтирилган қисмларда Хива хонини Чоржуй худудларига бостириб келишлари учун ундалгани кузатилади. Мазкур хат орқали Эрсари қабилаларининг Бухоро таркибида қолиб Руслар (кофирлар)га бўйсунгандан кўра мусулмон давлат таркибида бўлишни афзал кўрганлиги ҳақида баён қилиб ўтилган. Шу фондда сақланаётган яна бир хатда: “Ҳамиятдин муббайин учун ҳиммат камарин беллариға боғлаб мол ва жонларидан кечуб ғазот этажак бўлдилар. Эмди атроф ва акнофа бирон ваъда ва қилғон сипоришимиз бу янглиғ улдиким, ҳар ким мусулмонлиғ лофин уруб тонг ила Худо ва Расуллоғға шармсор ва ҳижолатли бўлишар. Зоирмиён () бўлса, зулҳижжа ойининг йигирмасига Чоржуй устина йиғилиб тайёр улсун саодатли ғозийлар жангида қўшилуб худованди таоло севган

ҳабибининг дин айиниға (қоида ва анъаналари) ривож ва равнақ беражак бўлса дунё ва охират обруйин қулға киргузмак лозим эрур”²⁹. Матнга эътибор қаратилса, мол ва жонларидан кечиб атрофдан йиғилган халқ Зулҳижжа ойининг йигирманчи санаси куни жангга кирмоқчилигини билдириб ўтганлиги ҳақида сўз юритилган.

Мактубнинг (dispozisiya) қисмида вазифани бажарилиши тайин этилган шахс кўрсатилади. Унда: “Ниёз кули эшик оғасини ва Чори эшикбошини сизга эл арзини етурмак учун юбордик. Умид шулким, Чоржуй устига оломон буюрсангиз олиб бермоқлик, хизмат қилмоқлик биз халқдан туруб бир дастак. Умид қилурмиз, Биз халқга бош паноҳлик қилса, бизга дуо қилиб, ўрус тобе, Бухоро тобени чоқуб танг қилубдурурмиз”³⁰ дейилган. Яна бир мактубда “Сониян (иккинчидан) икки жаноб саодатнишон ҳазрат хоннинг хизматлари учун ва дини Муҳаммад Мустафо саллолоҳи алайҳи вассалламнинг хақи ва ҳурмати учун ояти карима Қотлавул ал мушкириннинг³¹ мазмунига амал айлаб Бухоро лашкарининг муфсадлигини

²⁹ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 226 йиғмажилд, 1 варақ.

³⁰ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 228 йиғмажилд, 5 варақ

³¹ Қуръони карим, Тавба сураси, 36-оят: “Албатта, Аллоҳнинг назнида ойлarning адади - Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ-ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) ҳаром қилинган ойлardир. Ана шу тўғри дин. Бас, ўша (ой)ларда жанг қилиб ўзларингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар биландир”. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф «Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси» Т.: «HILOL NASHR» нашриёт – матбааси, 2018 йил. - Б.191.

²⁷ ЎзМА. И-125 йиғмажилд, 2-рўйхат, 229 йиғмажилд, 1 варақ

²⁸ Муҳаммад Риза Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икқбол ... Б.222.



(фитначилигини) уламо ва фузалоларимиз ҳакам ҳукм қилганлари учун Ўроз Мурод хонни ва Хўжа қулли хонни, Қўшқоннинг укаси ва Отахон эшик оғабоши тўрт минг отлига сардор қилиб Эрсари халқига ҳимоят ва кўмак бермак учун юбордик. Сониян унинг қозихон Нур Хусайнни мазмуни Саййид Қародил бошини ва Нурмуҳаммадхонни сизнинг жанобингизга юбордик” деб вазифа ва кўрсатмалар берилган³². Мактубларнинг мазмунидан Бухоро амирлиги кўшинларига қарши чиқиш учун махсус кишилар тайинланиб, Эрсари халқларига ёрдам учун юборилаётганлиги ҳақида маълумот келтирилиб, Хива хонлигига мактубни етказувчи кишиларнинг исмлари ҳам эслатиб ўтилган. Шу ўринда, Қуръондан келтирилаётган оят асосида бу вақтда (жанг қилиш учун харом қилинган 4 ой: Зул-қаъда, Зулҳижжа, Муҳаррам ва Ражаб ойлар) уруш қилинмаслиги ва агар душманларнинг ўзлари бу урушни бўшлашган бўлса, мусулмонлар учун жанг қилишлари мумкинлиги, дин пешволари томонидан фатво қилинганлигини билишимиз мумкин. Юқорида мазкур ойда уруш вақти ҳақида сўз юритилган. Форсча битилган хатларда “*Ек Пўлот бий эрсоле хизмат шариф ферестодим аз роҳе марҳамат ва меҳрибони қабул бефармойид*”³³ каби сўзлар билан хатнинг етказувчиси Пўлат бий деган кишининг исми келтириб ўтилган. Тарихни ўз даври шахсларининг исмлари ва унвонлари билан ўрганиш персонографик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Мактубнинг санкция (кўрсатилган топшириқдан четга чиқишга қўйилган таъқиқ) ва корроборация (хужжатнинг ҳақиқийлиги исботи, муҳр ёки бошқа белги қўйилганги ҳақида қайд) қисмлари маълумотлари ҳам муҳим ҳисобланади. Хатларимизда Санкция қисмида “... агар Наузи биллаҳи³⁴ мунинг аксинча берса, бу дунёдан кимлар ўтмай кам бўлибдир. Бу аксидир кимлардан қолибдур, ўтиб яхши од (от, ном) жаҳонда кўтарган азизлар ливосин (байроғи) тахтидан шаҳодат қони билан гулгун бўлғон кафан бир либос кўтарсак, не давлатдир бўлғонидан сўнгра бир ўлмоқ муқаррар”³⁵ деган жумлалар орқали қилинаётган иш-амалларни Аллоҳга таваккал қилган ҳолда, ғалаба ёки ўлимнинг муқаррарлиги ва унга халқнинг тайёр эканлиги билдирилган. Корроборация қисм биз ўрганаётган ёзишмаларда учрамайди. Лекин, хатлар якунида муҳрлар келтириб ўтилган бўлиб, бу кейинги қисмлар таркибида ўрганилади.

Мактубларнинг ички таҳлилининг сўнги **Эсхатокол** қисмида *датум* (хужжат тузилган жой ва вақт), *аппрекация* (битимнинг яқунлангани ҳақида диний формуляр), *субскрипция* (имзо) ва *сингилла* (муҳр)³⁶ каби бўлимларда ўрганилади. Хатларнинг ёзилган вақти ва жойлари қуйидаги матнларда: “*Алҳол билиб турган ишимиз шул турур ва ҳам сиз иморатпаноҳ яхши билурсиз деб моҳи Шаввални*

³² ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 226 йиғмажилд, 1 варақ.

³³ ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 226 йиғмажилд, 3 варақ.

³⁴ نعوذ بالله – Аллоҳ ўз паноҳида сақласин.

³⁵ ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 226 йиғмажилд, 1 варақ.

³⁶ Ў.А. Султонов. Мусулмон мамлакатлари дипломатикаси... Б 49.



тўртиланчи куни ёзилди”³⁷деб 1281 хижрий йил ҳисоби келтириб ўтилган. Мактубнинг манба сифатидаги аҳамияти шундаки, тарихий сана аниқ кўрсатилиб берилган.

Аппрекация қисмида мактубнинг “*Ат-тақсир, ат-тақсир, ат-тақсир*” сўзлари билан ишлатилгани яқунланганлигини билдиради.

Хатларнинг ҳақиқий эканлиги юборувчи шахс ва муҳрлар келтирилганлигини билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, “*Сардор додхо, Саййидқули додхо, Турди додхо, Бекниёз додхо, Тиллобий додхо, Муҳаммад Раҳимбек бий, Ният бий, Жўнам бий, Қўрра бий, Хўжамурод бий. Пайғамбарқули бий, Ўроз бий, Одинакелди эшикоғабоши, Одина Саййид бий Қули эшикоғабоши, Султонмурод оғабоши, Санжомберди эшикоғабоши, Саййидқулибек оғабоши, Раҳмонбердибий, Нағсанбий, Мулло хатилхон эшикоғабоши, Муҳаммадниёз эшикоғабоши, Хайдар эшикоғабоши, Бекмурод бий, Жумақулибей, Одинақурбон эшикоғабоши, Бобниёз мирохур, Бекмуҳаммад мирохур ва ҳамма хур ва калон (озод ва буюк) жамоайи эрсари*” каби Эрсари қабилаларининг уюшган етакчи вакиллари томонидан Хива хонлигига юборилган мактублар сўнггида ўз исмларини келтириб ўтганлар. Қолаверса, бу мактубга “*Зулфиқор парвоначи*”³⁸ деган сўзлар битилган тўртбурчак муҳр босилган. Бу муҳрлар тарихий даврда ушбу мактубларнинг ҳуқуқий тасдиғи сифатида билишимиз мумкин.

Шунингдек, тарихий муҳрлари ўрганувчи тарих фанининг ёрдамчи соҳаларидан бири бўлган сфрагистика фанининг тараққиётига хизмат қилади. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ушбу мақолада мактубларнинг маълум бир тарихий даврни ўрганишда аҳамияти катта. Шунингдек, хатлар тарихий воқеяликни фактлар ва маълумотлар билан тўлдиришга ёрдам беради. Тарихнинг манбашунослик, матншунослик, дипломатия, дипломатика, сфрагистика, хронология ва бошқа шу каби соҳаларининг ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Мактублар шахслар ўртасида битилган бўлсада, давлатлараро дипломатик муносабатларни, сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ҳаётни ўзида акс эттиради. Хатлар ҳажман кичик, аммо ўша давр ва бугунги китобхон учун бирдай ахборот бериши билан ҳам қимматлидир.

³⁷ ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 226 йиғмажилд, 3 варақ.

³⁸ ЎзМА. И 125 йиғмажилд, 2 рўйхат, 228 йиғмажилд, 5 варақ.



**EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES,
PHILOSOPHY AND CULTURE**

Innovative Academy Research Support Center

UIF = 8.2 | SJIF = 6.051

www.in-academy.uz